

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ

## МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

## №2

24 АПРЕЛЬ

2020

**Конференцияга қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар қабул қилинади:**

1. Санъат ва маданият фанлари
2. Тарих фанлари
3. Фалсафа фанлари
4. Филология фанлари
5. Педагогика фанлари
6. Психология фанлари
7. Социология фанлари
8. Ижтимоий-гуманитар фанлари
9. Жисмоний маданият

ICI WORLD of JOURNALS
Google Scholar
Academic Resource Index ResearchBib
iD

http://oac.dsmi-qf.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTINING
FARG'ONA MINTAQAVIY FILIALI

"ORIENTAL ART AND CULTURE" ILMIY-METODIK JURNALI

# "O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM"

## №2-SONLI KONFERENSIYA TO'PLAMI (8-QISM)

24 Aprel 2020 yil

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ICI WORLD of JOURNALS

Google Scholar

Academic Resource Index
ResearchBib

Qo'qon shahri

**TAXRIRIYAT**

**Editor in chief**
Usmonov Shamsiddin Yulchiboyevich
*Associated Professor*
**Executive Secretary**
Turgunbaev Rashid Muxtorovich
*MSE*
**Preparing for publishing**
Karimov Bobur Murodjon o‘g‘li

**Бош муҳаррир**
Усмонов Шамсиддин Юлчибоевич
Доцент
**Масъул котиб**
Турғунбоев Рашид Мухторович
МИТ
**Нашрга тайёрловчи**
Каримов Бобур Муроджон ўғли

**Editorial board**
T.Mirzayev
*Academician, Scientist-Folklorist*
S.Mannopov
*National artist of Uzbekistan, Professor*
I.Yuldashev
*Doctor of Philology, Professor*
M.Juraev
*Honored Worker of Culture, Doctor of Philology, Professor*
R.Maksudov
*Doctor of technical sciences*
M.Abdullayeva
*Honored mentor of youth of Uzbekistan, Professor*
R.Shukurov
*Candidate of Philology, Associated Professor*
R.Xolmatov
*Candidate of Historical Sciences, Associated Professor*
K.Yuldashev
*Honored Artist*
G.Xolikulova
*Candidate of Art Sciences*
A.Eminov
*Candidate of pedagogical sciences, Associated Professor*
M.Xujaev
*Member of the union of writers*
E.Yuldashev
*PhD of Art Sciences*
O.Xasanov
*PhD of Political Sciences*

**Тахририят**
Т.Мирзаев
*Академик, фольклоршунос олим*
С.Маннопов
*Ўзбекистон халқ артисти, профессор*
И.Йўлдашев
*Филология фанлари доктори, профессор*
М.Жўраев
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор*
Р.Максудов
*Техника фанлари доктори*
М.Абдуллаева
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор*
Р.Шукуров
*Филология фанлари номзоди, доцент*
Р.Холматов
*Тарих фанлари номзоди, доцент*
К.Йўлдашев
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби*
Г.Холиқулова
*Санъатшунослик фанлари номзоди*
А.Эминов
*Педагогика фанлари номзоди, доцент*
М.Хўжаев
*Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси*
Э.Юлдашев
*Санъатшунослик фанлари PhD*
О.Хасанов
*Сиёсатшунослик фанлари PhD*

**Founder**
Fergana Regional Branch of Uzbekistan State Institute of Art and Culture

**Таъсисчи**
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали

## Table of Contents/Мундарижа

### IJTIMOIY-GUMANITAR


| | | |
|---|---|---|
| 1. | Munira Turobova<br>“XAVFSIZ VA TINCH: BU – BIZNING SINGAPU | 10 |
| 2. | Xusenov O’tkir O’ktamjon o’g’li, Bozorova Sitora Akmalovna<br>USAGE OF THE FLORA IN THE EARLY MODERN ENGLISH POETRY | 13 |
| 3. | Muminov Islomjon Arabboyevich, Roziqov Jurabek Yuldoshboy o’g’li, Jakbaraliyeva Surayyoxon<br>YADROVIY NURLANISHNING MODDALAR BILAN O’ZARO TA`SIRLASHUVI | 17 |
| 4. | Qodirova Salimaxon Jo’raboyevna<br>G’.G’ULOM ASARLARIDA RUHIYAT TALQINI | 20 |
| 5. | H.O`ralova<br>QADIMGI YOZUVLARNING ILMIY-NAZARIY TALQINLARI | 22 |
| 6. | Mahliyo Yusupova<br>YURIDIK TIL NAZARIYASI | 27 |
| 7. | Zarifa Xudayqulova Xudayqulova<br>OILANI MA’NAVIY MUSTAHKAMLIGINI TA’MINLOChI OMILLARI | 30 |
| 8. | Zahro Avazova<br>TARJIMASHUNOSLIKDA BADIIY ASARLAR TARJIMASINI ASLIYAT BILAN QIYOSIY – TIPOLOGIK TAHLIL QILISH XUSUSIYATLARI | 33 |
| 9. | Yuldasheva Dilnavoz Rahmonqulovna<br>ZAMONAVIY O`ZBEK ADABIY JARAYONI | 35 |
| 10. | Абдувахобова Дилдора Эркиновна<br>ПОЗНАВАТЕЛЬНЫЕ МОТИВЫ ПОДРОСТКА В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ | 38 |
| 11. | Абдуллаев Ўктамжон Шералиевич<br>ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ | 42 |
| 12. | Бобур Авазов, Я.Алиев<br>ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОРҚАЛИ КИЧИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 47 |
| 13. | Ахмадалиев Шохрух Шухратович<br>ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲЛАРИДА ЎҚУВ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА “DIAGNOSTIC CHAMPIONSHIP” НОМЛИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИННИ ТАШКИЛ ЭТИШ | 51 |
| 14. | Арсланова Мадинахон Мансуровна<br>АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ДАСТУРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ | 54 |
| 15. | И.Х.Атамирзаев, А.Абдурахмонов<br>ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ МАДАНИЯТИДА ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ | 58 |
| 16. | Ж.Асаматдинова<br>ПРОГРАММИРОВАНИЕ ЛИЧНОСТНОГО САМОСОВЕРШЕН-СТВОВАНИЯ | 63 |
| 17. | Асатова Феруза Жахангировна<br>ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ | 66 |
| 18. | Тоҳир Бахтиёрий<br>ТИЛНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ | 70 |
| 19. | Болиев Анвар Бегимович<br>СУҒУРТА БОЗОРИДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 73 |
| 20. | Бўтаева Маҳмуда Солихоновна | 76 |

| | | |
|---|---|---|
| | ГОМЕРНИНГ «ИЛИАДА» ВА «ОДИССЕЯ» ДОСТОНЛАРИ | |
| 21. | Бўтаева Маҳмуда Солихоновна<br>АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ФАЗЛУЛЛО АБУЛАЙСИЙ ХОНАДОНИ | 80 |
| 22. | Аҳмаджонов Аброржон Икромжон ўғли<br>ЎЗБЕКИСТОН АРИД ЗОНА ТОҒЛАРИДА ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ХАРИТАГА ОЛИШ | 83 |
| 23. | Дилдора Азимова<br>ОЙБЕКНИНГ “ДАВРИМ ЖАРОҲАТИ” ДОСТОНИ ХУСУСИДА | 86 |
| 24. | Рахматуллаева Дурдона Равшановна<br>ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ – ДАВР ТАЛАБИ | 92 |
| 25. | Давронова Фотима Пирназаровна<br>ВИТАГЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В СИСТЕМЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ЗНАНИЯ | 95 |
| 26. | Negmatova Malika Usmonovna<br>THE INTRODUCTION OF MODERN FORMS AND TEACHING METHODS WITH THE USE OF "NEW APPROACHES IN TEACHING AND LEARNING" IN THE EDUCATIONAL PROCESS | 100 |
| 27. | Qilichova Orzigul Zafar qizi<br>ETNIK BOG’LARNING TURIZM RIVOJIGA TA’SIRI | 102 |
| 28. | М.Н.Меликова<br>ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ И ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ | 105 |
| 29. | Muqimova Gulnora Rashidovna<br>POEZIYADA FITOMORFLARNING O‘RNI | 109 |
| 30. | Зарипов Жахонгир Гулмуродович<br>ПРОБЛЕМЫ ВНУТРЕННЕЙ И ВНЕШНЕЙ МИГРАЦИИ: НА ПРИМЕРЕ МИГРАНТОВ ИЗ УЗБЕКИСТАНА В БАЛТИЙСКОМ РЕГИОНЕ | 113 |
| 31. | Мадрахимов Алишер Махамадиброхимович<br>ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАРБИЯ МУҲИТИНИ ДОЛЗАРБЛИГИ | 116 |
| 32. | Иброхим Атамирзаев<br>ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲОТЛАР | 120 |
| 33. | Зияева Хушнудабону Илхомжон кизи<br>«КЫСЬ» Т.ТОЛСТАЯ В ИНТЕРАКТИВНОМ ПРОЧТЕНИИ ШКОЛЬНИКАМИ | 126 |
| 34. | Иброҳим Атамирзаев<br>ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ | 129 |
| 35. | Дилноза Турсунова, Арифжан Салимов<br>ИСТИҚЛОЛИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР ВАЛИХОН ТЎРА | 133 |
| 36. | Aybek Khalmuratov<br>CYBERCRIME PREVENTION IN VIA INFORMATION SECURITY | 139 |
| 37. | Нодирахон Каримова, Турсуной Инамова<br>ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН БЎСАҒАСИДА | 144 |
| 38. | Курбанов Музаффар Абдумуталибович<br>КАСБ-КОР ВА ҲУНАР БИЛАН БОҒЛИҚ ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРНИ НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТДА ИФОДА ЭТИЛИШИ | 146 |
| 39. | Кенжаев Шавкатжон Хусанович<br>АБАЙ КАРАШЛАРИДА СОҒЛОМ, БАРКАМОЛ ИНСОН МУАММОСИ | 156 |
| 40. | Н.Х.Шарипова<br>БАНКЛАРАРО КЛИРИНГ ТИЗИМИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 160 |
| 41. | Раънохон Комилова | 167 |

| | | |
|---|---|---|
| | НАМАНГАН ШЕЪРИЯТИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ | |
| 42. | Равшанов Бахром Махмудович<br>КОММУНИКАТИВНЫЙ ПОЕНЦАЛ В ИНТЕРНЕТЕ – ЖУРНАЛИСТИКЕ | 170 |
| 43. | Тиллахан Кудярова<br>КАДРОВАЯ ПОЛИТИКА В СИСТЕМЕ ПРОФСОЮЗОВ КАРАКАЛПАКСТАНА В 1930-Х ГОДОВ XX-ВЕКА | 173 |
| 44. | Ахатов Лутфилло Караматиллоевич<br>ИСЛОМ ВА ИРФОН ИРТИБОТИ | 176 |
| 45. | Mirdjamalova Nilufar Zuhriddinovna<br>MOTURIDIY VA MOVAROUNNAHR HANAFIY MAKTABI | 183 |
| 46. | Деҳқонова Махфуза Абдурашидовна<br>ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ТАРБИЯ ВА АҲЛОҚ МАСАЛАЛАРИ | 186 |
| 47. | Фарида Эргашева<br>ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭЛЕКТРОННЫХ СЛОВАРЕЙ И ТЕЗАУРУСОВ ВИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ | 195 |
| 48. | Тошбеков Нурбек Аҳмадович<br>СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА КОЛЛЕКТОР ВА ЗОВУР ТАРМОҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ | 198 |
| 49. | Ҳайитов Ёзил Қосимович, Тошбеков Нурбек Аҳмадович, Жумаева Тозагул Аъзамовна<br>КОЛЛЕКТОР ЗОВУР СУВЛАРИДАН ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШ | 201 |
| 50. | Х.Д. Тиллаходжаева<br>ФУҚАРОЛИК ХОЛАТЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ | 204 |
| 51. | Юлдашова Бону Айбек кизи, Сабирова Зухра Бахтияровна<br>ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ОБУЧЕНИИ ФИЗИКЕ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМПЬЮТЕРНЫЕ ПРЕЗЕНТАЦИИ | 210 |
| 52. | Холбоев Мирзабек Каримжон ўғли<br>ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИШТИРОКИ | 214 |
| 53. | Усманова Севара Султановна<br>“ПАМЕЛА ЁҲУД ТАҚДИРЛАНГАН ФАЗИЛАТ” АСАРИДА БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ | 216 |
| 54. | Маҳмудхон Маҳмудов<br>ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ ИЛК ДАВРИДА ЎЗБЕК ҚИШЛОҒИДАГИ СОЛИҚ СИЁСАТИ | 221 |
| 55. | Ҳ.Н. Хўжаназаров<br>МИЛЛИЙ ҒОЯНИ СИНГДИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ | 225 |
| 56. | Аминов Ахмаджон Комилжонович, Ёқубов Шукуржон Жумабой ўғли<br>МИССИОНЕРЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ - МАФКУРАВИЙ ХАВФИ | 230 |
| 57. | Муборак Исақова<br>ЭЗГУЛИККА ЭХТИЁЖ | 234 |
| 58. | Негматова Сурайё Тешаевна, Бобоева Нодира Тўхтамишовна, Исаева Шоира Субхоновна<br>АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИНГ ЎСИМЛИКХЎР ҚАНДАЛАЛАР СОНИГА ТАЪСИРИ | 237 |
| 59. | Негина Кучкарова<br>ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОСНОВНОЙ ИДЕИ В МОНУМЕНТАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ | 240 |

| | | |
|---|---|---|
| 60. | Нурмаханов Кайрат Ерпайызович<br>ВИДЫ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ ПРИ ИЗУЧЕНИИ АНАЛИТИЧЕСКОЙ ГЕОМЕТРИИ | 243 |
| 61. | О.Х.Тўракулов, Б.С.Эшонкулов<br>БЎЛАЖАК ЭНЕРГЕТИКЛАРНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НЕГИЗИДА КАБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ | 246 |
| 62. | Раззакова Наргис Юлдашевна<br>ОИЛАНИ ЖАМИЯТДАГИ АҲАМИЯТЛИ ДАРАЖАДАГИ ЎРНИ | 251 |
| 63. | С.М.Йўлдошева<br>ОИЛАДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ | 254 |
| 64. | Мамажонов Дилшодбек Адхамович<br>ОЛИМПИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ИНДИВИДУАЛ ДАСТУРЛАРИ | 260 |
| 65. | Г.Т. Самиева<br>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ | 264 |
| 66. | Касимов Ильнур Равильевич<br>ПРОБЛЕМАТИКА ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО БЫТИЯ В РАССКАЗЕ А.П.ЧЕХОВА «ПАЛАТА №6» | 270 |
| 67. | Бобур Авазов, Я.Алиев<br>САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ | 275 |
| 68. | Саттарова Саодат Гаффаровна<br>БАРКАМОЛ ИНСОН СИЙМОСИДА КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ | 279 |
| 69. | Сайфулло Суюнов, Камилла Суюнова<br>МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛМОҚДА | 282 |
| 70. | Г.Е.Таженова<br>АЎЫЛ ХОЖАЛЫҒЫ ӨНИМЛЕРИ ЭКСПОРТЫН ФИНАНСЛАСТЫРЫЎ ӘМЕЛИЯТЫН ЖОҚАРЫЛАТЫЎДАҒЫ МАШҚАЛАЛАР | 286 |
| 71. | Исомиддинов Йўлдош Юсуббоевич<br>ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЁШЛАРНИ ЎРНИ | 290 |
| 72. | Рашидов Хуршид Каримович<br>ОИЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ | 293 |
| 73. | Г.Р.Кадиримбетова, А.Б. Камалов, С.У.Аширбекова<br>РАЗВИВАТЬ ПОЗНАВАТЕЛЬНУЮ АКТИВНОСТЬ УЧАЩИХСЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ | 296 |
| 74. | М.М.Қўлдашева, Р. Я.Азимов<br>РОЛЬ ПАТРОНАЖНОЙ МЕДСЕСТРЫ В СРЕДИ ОПРЕДЕЛЕННЫХ ГРУПП НАСЕЛЕНИЯ | 298 |
| 75. | Г.Р. Турдиева<br>ЎЗБЕКИСТОНДА КОРЕЙС ДИАСПОРАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ТАРИХИ, САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ | 306 |
| 76. | Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна<br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АНДИЖОН ШАҲАРЛАРИДАГИ ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАР | 310 |
| 77. | Тўхтаев Хусан Мирзаевич | 314 |

| | | |
|---|---|---|
| | ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚЛАРНИНИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ОМИЛЛАР | |
| 78. | Шухрат Ситмуратов, Тенгел Ситмуратов<br>БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ОПТИМАЛ МЕЗОНЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ: ОМИЛЛАРНИНГ ЯЛПИ САМАРАДОРЛИГИ | 320 |
| 79. | Ситмуратов Шухрат Тенгелович<br>ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА МОДЕЛЛАРИ | 325 |
| 80. | Усмонжон Кўпайсинов, Зулхумор Умарова<br>ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУХИМ ТУШУНЧА | 328 |
| 81. | Буранова Нилуфар Шавкатовна<br>ФУНКЦИИ И КЛАССИФИКАЦИЯ ИГРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ | 332 |
| 82. | И.Атамирзаев, Хумоюн Нуриддинов<br>ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИНИНГ МУХИМ ОМИЛИ | 335 |
| 83. | Худайкулов С.И., Усманов А.А., Усмонова Н.А.<br>ХАРАКТЕРИСТИКА ЗАЩИТНЫХ ОБОЛОЧЕК ВОДОСБРОСА КАРКИДОНСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА | 341 |
| 84. | Алишер Мамажонов, Абдувоҳид Алишеров<br>ҚАДИМГИ ХИТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА МЕЪМОРЧИЛИК | 346 |
| 85. | Фазлиддин Турдалиев<br>ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК!!! | 353 |
| 86. | Холбадалов Ўткиржон Шокиржонович<br>ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ | 355 |
| 87. | Холиқова Гулрух Юсуповна<br>РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 361 |
| 88. | Хусанова Хайринисо Тайировна, Бобоев Шерзод Норқўзиевич<br>ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 365 |
| 89. | Тураев Баходир Хатамович, Саидов Абдулло Шухратович<br>ШАЙХЛАР ШАЙХИ | 370 |
| 90. | Эргашева Мавжуда Комилжоновна<br>ЎЗБЕКИСТОН ЛАНДШАФТШУНОСЛИГИДА НАЗАРИЙ ҒОЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ | 374 |
| 91. | Юлдашев Салохиддин Азамович<br>АЖДОДЛАР МЕРОСИДА ТАФАККУР ВА ИСТЕЪДОД МЕЗОНИ | 376 |
| 92. | Саримсаков Олимжон Шарипжанович, Хакимова Мафтуна Ёқубжон қизи, Юсупов Аброр Қўзибой ўғли<br>НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ҲАВО ҚУВУРИНИНГ РАЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ | 382 |
| 93. | Холбоев Мирзабек Каримжон ўғли<br>ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИШТИРОКИ | 387 |
| 94. | Ойбек Бегматов, Илҳом Мавлонов<br>ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ | 392 |
| 95. | Aminov Qo’ziboy Sotiboldievich<br>TURLI SANOQ SISTEMALARIDA QO’SHISH VA AYIRISH | 396 |
| 96. | Ахмадалиева Замира Рахимовна | 401 |

| | | |
|---|---|---|
| | МЕНИНГ ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ АСОСИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАРИМ | |
| 97. | Nurmuratova Madina G'afurovna<br>ADABIYOT DARSLARIDA NAVOIY IJODI “KLASTER” TAHLILIDA | 404 |
| 98. | Nigora Hasanovna G'ulomova<br>KITOBXONLIK - O‘QUVCHI- YOSHLARDA MATNNI O‘QISH VA TUSHUNISH MALAKASINI RIVOJLANTIRISH OMILI | 407 |
| 99. | G'ulomova Ferangiz Faxriddinovna<br>TEXNOLOGIYA FANINING BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARI FAOLIYATIDAGI AHAMIYATI | 412 |
| 100. | Усманова Шохида Яхяевна<br>ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ | 416 |

# АЖДОДЛАР МЕРОСИДА ТАФАККУР ВА ИСТЕЪДОД МЕЗОНИ

**Юлдашев Салохиддин Азамович**
**Қўқон Университети Бизнес кафедраси ўқитувчиси**
**salohiddin_84@mail.ru**

***Аннотация:*** *Инсон ўз кучини, тафаккурини ишга солиб, табиат қонунларини, унинг сирли тилсимотини англашга ҳаракат қилиб, ўзидаги руҳий ва ақлий қувватни бошқара олишга интилади. Зеро, инсоннинг руҳий ва ақлий қуввати тарқоқ ҳолда мавжуд бўлиб, фикрни жамлаб, паришон ҳолдаги қувват ва тафаккурни бир ерга тўплаб, барча эътиборини шунга қаратиб, уни бошқариши мумкин.*

***Калит сўзлар:*** *Ҳадис, ривоят, тафаккур, тилсимот, руҳ, ҳифз, табобат, руҳий, ирсият, руҳият.*

Ўрта аср алломаларидан Абу Наср Фаробийнинг фикрича, “Заковат - бирор нарсани жуда тез, деярли вақт сарфламай ёки жуда қисқа муддат ичида осонлик билан фаҳмлай олиш қобилиятидир”, деб айтиб ўтганлар. Дарҳақиқат, буюк зотларда тафаккур, истеъдод зарралари болалик давридаёқ маълум таъсирлар остида шаклланиб борган.

Олимларнинг аниқлашича, бола ақлининг шаклланиш даври асосан 7 ёшгача давом этади. Айнан шу даврда у қандай инсон бўлиб етишишига замин бўладиган бутун ахборотнинг 70 фоизини ўзлаштиради. Ҳамма гап ана шу ахборот тизимини мустаҳкамлаш, уни боланинг қон-қонига сингдириб юбориш чораларини кўришдир.

Ўткир ақл ва гўзал ахлоқ - маънавий етук инсон бўлиб етишишнинг асосий шартларидандир. Имом ал-Бухорийда нодир истеъдод ёшлигиданоқ намоён бўлган. У илк ёшлик давридаёқ Қуръони каримни ёд олган. Ўн - ўн бир ёшдан ҳадис ривоят қилувчиларнинг таржимаи ҳолларини ўргана бошлаган ва ўн саккиз ёшдан китоб ёза бошлаган. Шунингдек, Имом ал- Бухорий араб тили сарф ва наҳвида балоғатга эришиб, фавқулотда ўткир хотира, ақл-заковат, ўткир зеҳн, сабр - тоқатлилик, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, диний илмларга чексиз қизиқиш намоён этган. Шиҳобуддин ибн Абу Бакр Қасталонийнинг фикрига кўра, Имом ал-Бухорий, айниқса, ҳадисларни ўрганиш, уларни биринчи ўқиш ёки эшитишдаёқ ёд олиш, муҳаддислардан ҳадис тинглашда тиришқоқ ва ўрнак бўлиб, 10 ёшга етганда 10 минг ҳадисни ёддан айта олган. Бу соҳада устози Шайх Абу Бакр Аблуллоҳ ибн аз-Зубайр ал-Ҳомидий ибн Роҳавайҳ (Имом Исҳоқ ибн Иброҳим) таҳсин ва олқишларига сазовор бўлибгина қолмай, у кишидан “Хотирангиздаги ҳифз қилган ҳадисларнинг энг

саҳиҳларини ажратиб олиб, алоҳида бир китобга жам қилмоқ" кўрсатмасини олган. Болаликда ривожлантирилган истеъдод Имом ал-Бухорийни нафақат йирик олим, балки гўзал хулқ-атворли ва саховатли олижаноб инсон сифатида камол топишига сабаб бўлган.

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино тенгсиз маънавий иқтидор соҳиби бўлган. Табобат билан ўта банд бўлишига қарамасдан, 450 дан ортиқ асар ёзган. Болалигиданоқ илмга интилган Ибн Сино бетиним изланиши ва машаққатли меҳнати туфайли буюк ҳаким бўлиб етишди. Бетакрор истеъдоди, ўткир зеҳни, тафаккур кучи билан Ибн Сино одам организмининг тузилиши ва қандай ишлашини батафсил ўрганиб чиқиб, оламшумул муваффақият қозонди ва тиббиёт тарихидан катта жой олди. Унинг кўпдан-кўп қимматли фикр-мулоҳазалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Инсон ўз кучини, тафаккурини ишга солиб, табиат қонунларини, унинг сирли тилсимотини англашга ҳаракат қилиб, ўзидаги руҳий ва ақлий қувватни бошқара олишга интилади. Зеро, инсоннинг руҳий ва ақлий қуввати тарқоқ ҳолда мавжуд бўлиб, фикрни жамлаб, паришон ҳолдаги қувват ва тафаккурни бир ерга тўплаб, барча эътиборини шунга қаратиб, уни бошқариши мумкин.

"Тафаккур, - дейилади "Темур тузуклари"да, - фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қувваи ҳофизаси, кучли инсон ҳар қандай мушкулу мушкулотни осон қилиш йўлини топа олади". Бу таърифда маънавиятнинг уч таркибий қисмидан иккитаси, яъни ақл ва ирода фаолияти билан боғлиқ тафаккур-мулоҳаза, эс-хотира, хулоса- ҳукм ва азму қарор сингари инсон руҳиятида кечадиган жараёнлар назарда тутилган. Улар ботиний бўлганидан фақат нутқ, тил, сўз ва ёзув орқали бошқаларга ҳам аёнлашади ва амалий хатти-ҳаракат воситасида воқеликка айланади. Соҳибқирон Танбеҳларида учрайдиган қуйидаги ҳикматда ҳам айнан шу фикр таъкидланган: "Бирон ишни бажаришга қасд қилган бўлсанг, бутун зеҳнинг, вужудинг билан тиришиб, битирмагунча ундан қўл тортма".

Донолар илм ва юксак маънавий-ахлоқий сифатлар соҳибини ақлли одам, деб айтганлар. Ақл (тафаккур) саховат эшиклари ва саодат хазинасининг калити, дунёнинг ноз-неъматларига эга бўлиш дам ақлга боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Ақл инсонни бошқарувчи куч, руҳ эса уни ҳаракатга келтирувчи ички қобилиятдир. Ақл инсонни яхши ишларга даъват этади, эътиқодини мустаҳкамлайди. Ақл илмга эришиш воситаси ҳамдир. Илм инсоннинг зеҳнини ўткирлаштиради, хусни хулқ эса унинг дилини равшанлаштиради. Донишмандлар буларнинг узвий бирлигини донишмандлик ифодаси, деб қараганлар.

Шоҳ Хусравнинг вазири Бузургмеҳрдан инсон учун энг зарур нарса, нима деб сўраганларида, у: "Тўғма зеҳн", деб жавоб берибди. Тўғма зеҳн бўлмасачи?

деб сўрасалар: “Одоб ва илм ўргансин”, - дебди. Ўрганолмаса-чи? деб сўрасалар: “Мол-давлат, зару зевар орттирсин, бу ҳам кўп айбларни беркитади”, дебди. Эплолмасачи? деб сўрасалар: “Унда сертавозеъ ва серилтифот бўлсин, бу ҳам одамнинг зийнати” деб айтган. Бу ҳам қўлидан келмасачи? деб сўрасалар: “Унда унақа тирикликдан ўлган афзалроқ, ҳам одамлар қутилади, ҳам ўзи қутилади”деган экан.

Истеъдодли кишилар жуда кўп тўғиладилар. Фақат кишидаги қобилиятни болалигиданоқ аниқлаб, уни тарбиялаб бориш керак. Энг катта иллат - ёшларнинг истеъдодига бефарқ қарашдир. Оилада бола қобилиятига эътибор бермаслик, унга совуқ муносабатда бўлиш боладаги истеъдоднинг руёбга чиқмай, бешигидаёқ хазон қилади. Бир сўз билан айтганда, боладаги қобилиятнинг камол топиши ота-она, маҳалла жамоаси ва атрофдагилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини болалигидан қобилиятини аниқлаб, уни қўллаб-қувватласа, муносиб мураббий ёрдамида тарбияласа, жамиятимизда истеъдодли инсонлар сафи кенгайиб бораверади. Инсон камолоти боланикда қандай тарбия олганига боғлиқлигига кўплаб далиллар келтириш мумкин. Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур каби аллома ва шоирлар дастлабки билим ва малакаларни ота-оналаридан, салоҳиятли устозлардан ўрганганлар. Марҳум академик Қори Ниёзий болалик чоғларини шундай эслайди: “Отам ишдан бўш вақтларида турли ҳикоя ва достонлар ўқиб берарди. Аям эса туганмас эртаклар манбаи бўлиб, жуда содда қилиб, болалар тилида, бадиий услубда айтиб берарди. Мен уларни сабрсизлик билан кутардим, чунки эртаклар мени шу даражада таъсирлантирар эдики, ҳатто айрим эртак ва достон воқеалари тушларимга кирарди”. Биз ўзимиз ҳам мактаб партасидаёк, “Учар гиламлар” ҳақидаги эртакларни эшитиб катта бўлганмиз. Шундай муъжизавий қудрат борлигига ишонганмиз. Сеҳрли эртаклар, ривоятлар оғушида камол топтан шоир Ҳамид Олимжон шеърларини севиб ўқиганмиз.

Ота-онанинг ўз фарзандига дастлабки билим ва малакалар бериши келгусида бола учун ҳам, оила учун ҳам, жамият учун ҳам ғоят фойдалидир. Руҳшуносларнинг исботлашларича, 5-7 яшар боланинг маълумотларни қабул қилиш, хотирада сақлаб қолиш хусусиятлари 8-9 ёшли болаларникига қараганда кучлироқ бўлар экан. Модомики шундай экан, боланинг бу хусусиятларини ишга солиш учун унинг дунёқарашини тўғри шакллантиришга ҳаракат қилмоқ лозим.

Ҳусайн Воиз Кошифий дейди: “Энг яхши тарбия - боланинг безори ва бадхулқ кишилар билан алоқа қилмаслигини кузатиб туриш. Бола ақлли, зеҳнли кишилар билан иш тутиши лозим. Унинг олдида доимо доно, билимдон, фозил

кишиларни мақташ зарур. Ёмон қилиқ ва хатти- ҳаракатларни қоралаш даркор, токи болада уларга нисбатан нафрат уйғонсин".

Тафаккур, зеҳн билан боғлиқ бўлган ирсият, истеъдод хусусидаги хулосалар шундан иборатки, истеъдодли болаларнинг юзага келишида ижтимоий муҳит, ирсиятнинг ўрни ҳам беқиёсдир. Бу жиҳатдан қараганда, янги тарбия тизимининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз:

*- халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий турмуш тарзи ва одоб-ахлоқ мезонлари;*

*- Ислом динидаги ҳаётнинг мохияти, яшашдан мақсад, гунохдан қўрқиш каби ижтимоий фойдали ғоялар, бир сўз билан айтганда, миллий-диний қадриятлар;*

*- Шарқ мутафаккирлари, шунингдек Ғарб олимларининг инсонпарварлик, иқтидор, ирсият хусусидаги фикр-мулоҳазалари.*

Тарбия жараёнида насл-насаб, руҳий жараён ва тўғма майллар, бола ва инсон миясининг ирсият билан боғлиқ жиҳатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Айтиш жоизки, насл-насаб, ирсият, руҳият ҳақида гапириш яқин-яқингача буржуача қараш ҳисобланарди. Ҳолбуки, бу соҳада Ғарб олимлари умумэътироф этилган кашфиётлар қилганлар.

Демак, халқимизнинг илмий-тарихий бой маданий ва маънавий шунингдек илм-фанни ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, чуқур ўрганиш уларга нисбатан хурмат туйғусини уйғотиш, аждодлар меросига бўлга хурматимиз ва ёшларимиз учун зарур бўлган муҳим вазифалардан бири саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Соғуний А. Темур тузуклари. "Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси". Т.: 1991 й.

2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. "Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти". Т.: 1993 й.

3. Зоҳидий А. Буюк муҳаддис сийрати, ақидалари, ибратлари, ўгитлари. "Фан ва турмуш". Т.: 1998 й.

4. Заковатнинг бир минг сабоғи. "Қалб сўзи". Т.: 1998 й.

5. Ирисов А. Ҳаким ибн Сино. Т.: "Ўзбекистон" 1992 й.

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON DAVLAT SAN’AT VA MADANIYAT INSTITUTINING FARG‘ONA MINTAQAVIY FILIALI
“ORIENTAL ART AND CULTURE” ILMIY-METODIK JURNALI

# O’ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA’LIM

KONFERENSIYASIDA

**ЮЛДАШЕВ САЛОХИДДИН АЗАМОВИЧ**

АЖДОДЛАР МЕРОСИДА ТАФАККУР ВА ИСТЕЪДОД МЕЗОНИ

MAQOLASI BILAN ISHTIROK ETGANINI TASDIQLOVCHI

# SERTIFIKAT

Tashkiliy qo‘mita raisi: Sh.Usmonov

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI O‘ZBEKISTON DAVLAT SAN’AT VA MADANIYAT INSTITUTINING FARG‘ONA MINTAQAVIY FILIALI

27 Aprel 2020 yil

WORLD of JOURNALS
Academic Resource Index ResearchBib
Google Scholar